

Бепарволик ва масъулиятсизлик



11:30 / 12.06.2025 1516

لُؤُقَي مَلَسَوُهَو لَعْلَل لَّصَدَه لَل لُّؤُسَرُتْ عَمَسَ : لَاق وِرْمَع نَبَه لَل لَدَبَع نَع
«تُؤُقَي نَمَّ عَيْضِي نَأْمُثِلْ جِرْلَاب يَفَاك».

Абдуллоҳ ибн Амрдан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Кишига гуноҳ ўлароқ қарамоғидагиларни зое қилиши етарлидир», деганларини эшитдим».

Шарҳ: Бу иш ҳар қандай одамнинг азобга қолиши учун етарли, бошқа гуноҳнинг ҳожати йўқ. Қарамоғидаги шахс – у хотинимиди, боласимиди, ота-онаси ёки бошқа бир инсонми, унинг кийим-кечагини, турар жойини, эҳтиёжига яраша нарсасини таъминлаш боқувчининг бурчи. У дангасалик, масъулиятсизлик қилса, уларга қарамасдан, зое қилиб, оч-яланғоч

Демак, Байтул Мақдисда эътикоф ўтириб, нафл ибодат қилганидан кўра боласини боққани маъқул. Чунки аҳли аёлнинг нафақаси вожиб. Мана шу ҳақиқатни кўпчилигимиз унча тушунмаймиз.

Бир мухлис одам айтади: «Бир пирнинг уйида бақувват, тоғни урса толқон қиладиган мурид ўтирибди. Суҳбатлашсам, «Келганимга қирқ кун бўлди», деди.

«Нима қиляпсиз бу ерда?» дедим.

«Ўтирибмиз, назар топяпмиз», деди.

«Бола-чақа борми?» дедим.

«Ҳа, бор. Иккита хотин ва болалар бор», деди.

«Улар қаерда?» дедим.

«Фалон вилоятда», деди.

«Уларга нима бўлади?» дедим.

«Ҳа, уларнинг ризқини Худо берар», деди.

«Ҳой, укам! Бу нима деганингиз?! Ахир уларга қарашингиз вожиб-ку!» дедим».

Оила бошлиғи оиласининг нафақасини бериши вожиб. Ана шу ишнинг вожиблигини тушуниб, ҳалол-поқдан уларнинг оғзига луқма тутса, вожиб ибодатни адо этган бўлади. Буни қилмаса, тарки вожиб қилган бўлиб, гуноҳкор саналади. Ушбу ҳадиснинг таъбири билан айтганда, бошқа гуноҳнинг кераги йўқ. Шу қилмишининг ўзи унинг улкан гуноҳкор бўлиши ва келажакда оғир азобларга қолиши учун етарлидир.

«Яхшилик ва силаи раҳм» китоби 1-жуз

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7613-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.